

Аввало шуни уктириб ўтиш лозимки, «Ўзбек адабиёти ва санъати» рўзномасининг саҳифаларида босилган ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини ўрганиш ҳақидаги мақолалар кизгин кутиб олинди. Шубҳасиз, муаллифларнинг турли фикр-мулоҳазалари бир-бирларини тўлдиради ва бойитади. Аммо, ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ва таклифлар оз эмас. Шу боисдан, мен ҳам ўз дилимдаги сўзларни баён этишни лозим кўрдим. Камина мана салкам 50 йилдирки Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтида узлуксиз ишлаб келмоқдаман. Тарих фанининг маркази ҳисобланган бу даргоҳда илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида 20 йилдан ортиқ ишлашим ҳам кўп илмий асарлар, докторлик ва номзодлик диссертациялар билан бевосита танишиш имконини тугдирди. Шунинг учун ҳам собик совет давридаги тарих фанининг ҳолати кўз ўнгимда бамисоли кинолента сингари ҳамон ўтиб турибди. Буни кенг ўқувчилар оммасига ҳавола қилиш фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Шуни тан олиш керакки, собик совет даврида тарих фани бироз бўлса-да ривожланган. Чунончи, Республиканинг олий ўқув юртлирида тарих кафедралари ва куллийтлари бунёд этилиб, минглаб тарихчи мутахассислар етиштирилди. Айниқса, 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Тарих институтининг ташкил этилиши муҳим воқеа ҳисобланди. Шундан кейин илмий тадқиқот ишлари ва юқори малакали олимларни тайёрлаш тобора кучайиб борди. Катор илмий асарлар, дарсликлар, дастурлар ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Хусусан, «Ўзбекистон ССР тарихи» яратилди. Шунингдек, Республикамизда жаҳон миқёсида илмий анжуманлар ўтказилди. Кўриниб турибдики, сиртдан қараганда тарих фани ривожланиб кетганга ўхшайди. Аммо, унинг моҳияти ва йўналишига назар ташланса, у вақтда кўп илмий асарлар, докторлик ва номзодлик диссертациялари чиппака чиқиб кетади. Ҳатто, уларга сарфланган вақт ва меҳнатга ачинасан, киши. Негаки, одатда тарихий асарлар асрлар оша яшаб, моддий ва маънавий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган. Собик совет тарих фанининг умри эса шу даражада қисқа бўлдики, қизил империя ағдарилиши биланок «миси чиқиб», тутдай тўкилди. Бу ҳолат, айниқса, совет даври тарихига бағишланган асарларда кўзга ташланди. Тарих фанининг бундай фожеага учрашига асосий сабаб шундаки, у коммунистик партиянинг «ғоявий қурол»ига айлантирилди. Шу боисдан, ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини ўрганишда қуйидаги ҳатоларга ва сохталаштиришга йўл қўйилди.

Биринчидан, маълумки, Туркистон ўлкаси умумин-соният тараккиётининг йирик ўчоқларидан бири ҳисобланади. Афсуски, бу қадимий даврларга тегишли ёзма маълумотлар ўзаро урушлар, табиий офатлар ва чет эл босқинчиларининг тажовузлири орқасида камдан-кам сакланган. Айниқса, араб халифалигининг ҳужумлари маданий меросни йўқ қилди. Бу ҳақда буюк аллома Беруний шундай ёзган эди: «712 йилда араб лашкарбоҳиси Қутайба ибн Муслим ўлкага бостириб кириб ҳоразмликларнинг ёзувини билган, уларнинг ривоятларини саклаб қолган барча қишлоқларни, улар орасидаги барча олимларни имкони борича қувгин қилди ва кириб юборди, натижада уларнинг ўтмиши шу қадар зулмат билан қўлгандики, энди биз бу ерга ислом кириб келган вақтда уларнинг тарихида бўлган воқеалар тўғрисида ҳақиқий билимга эга эмасмиз».

Шу тарзда маданий мерос ўлканинг бошқа жойларида ҳам ер юзидаи супуриб ташланди. Натижада, маҳаллий ёзма манбалар бизгача етиб келмади. Тўғри, сугд ва бошқа

шимолий эроний тилларда ёзилган айрим хужжатлар мавжуд. Бирок, улардаги маълумотлар киска бўлиши билан бир каторда, уларни ўкиб, магзини чакадиган мутахассислар деярли йўқдир.

Бир вақтлар Тарих институти М. Исмоковни сугд тилини ўзлаштириш учун Санкт-Петербургга юборди. У фан номзоди унвонини олиб, институтга кайтганда «ўрин йўқ» бахонаси билан ишга олинмади. Яхшиямки, кўлёзмалар институтига ишга олиниб, шароит яратиб берилди. Натижада М. Исмоков сугд тили бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлиб, ҳозир институтимизда ишламоқда. Ҳозирда қадимги даврга оид ёзма маълумотлар, асосан, юнон, латин, хитой ва бошқа хорижий тиллардаги манбаларда сақланган. Уларсиз ўша замон тарихини тўла тасаввур этиб бўлмайди. Шунга қарамай, Тарих институтида кўрсатилган қадимий тиллар бўйича мутахассислар этиштиришга имкон берилмади. Оқибатда, ҳозирги замон тараккиётининг замини бўлмиш милoddан аввалги VII асрдан то милodий VIII асргача бўлган салкам бир ярим минг йиллик тарихий даврни ёзма манбалар асосида ўрганишга кўл урилмади. Бу тарих фанидаги катта ўпирилишдир. Тўғри, «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг биринчи жилдида киска маълумотлар берилган, лекин унинг муаллифлари москвалик ва санкт-петербурглик олимлар эди.

Қадимги тарих бўйича Москвада, Санкт-Петербургда ва бошқа жойларда бир хатор асарлар чоп этилди. Бу жуда яхши, лекин она-Ватанимиз тарихини ўзимиз ҳам ўргансак, нур устига аъло нур бўларди.

Институтда ўрта асрлар тарихини кенг кўламда ва ҳолис ўрганишнинг иложи бўлмади. Бу даврга эътиборни кучайтириш ва малакали олимлар тайёрлаш ҳақидаги сўровлар инобатга олинмади. Асосан, совет даври тарихини ёритиш ва тарғибот қилиш вазифаси юклатилди. Бунинг натижасида икки ярим минг йиллик қадимги ва ўрта асрлар тарихи бамисоли совет даври тарихининг думи сифатида гавдалантирилди. Чунончи, у даврни ўрганиш учун «Қадимги ва ўрта асрлар тарихи». номида атиги битта бўлим, бир неча ўн йилликдан иборат совет даврига 5-6 та бўлимлар белгиланди. Бу бўлимларга институт илмий ходимларининг ўрта ҳисобда 70-80 фоизи жалб қилинди. Шунингдек, фан номзодлари ва докторларнинг кўпчилиги совет даври тарихи билан шугулланди. Хатто аспирантурага ажратиладиган ўринларнинг асосий қисми шу даврга берилди. Илмий асарларни нашр этишда ҳам асосий эътибор совет даври тарихига қаратилди.

Туркистон тарихининг «қаймоғи» ҳисобланган қушонлар, турк ҳоконлиги, сомонийлар, қорахонийлар, Қоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ҳақида бирорта йирик асарлар яратилмади. Шунингдек, XVI—XIX асрнинг 60—70-йилларигача ҳукм сурган Бухоро, Ҳива ва Қўқон хонликлари тарихини ўрганишда ҳам сустқашлик бўлди.

Собик совет даврида тарихий шахсларни ҳолис ўрганиш ва оммалаштиришга йўл қўйилмади. Бу ҳақда партия махфий хужжатининг 1947 йилдаги кўрсатмасида: «Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлардан ватан раънақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулмига ва уларга қаратилган халқ қурашига бурмок лозим бўлади», дейилган. Шу равишда, тарихий шахсларни золим, қаллақесар ва умуман халқ душманлари сифатида таърифлаш одат тусига айлантилди. Ваҳоланки, ўтмиш замонларда ўз ватанининг мустақиллиги ва тараккиёти учун қурашган подшолар, зиёлилар ва халқ вакиллари оз эмас эди. Шунинг унутмаслик қеракки, ўтмишда тинчликни ва тараккиётни таъминлаш ҳаракатларини ёки бузғунчилик ва парокандаликни қимдир бошқарган. Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлавермайди. Хатто, ўз ватанига ҳоинлик уюштириб, чет эл босқинчилари

оёғини ялайдиган шахслар бўлганлиги ҳам маълум. Шу боис, окни окга, корани корага саралагандек, халқпарвар давлат арбобларини ва бошка барча табака вакилларининг кадр-кимматини ўрнига қўйиб, миллатнинг фахри сифатида гавдалантириш лозим. Кунларнинг бирида забардаст олим И. Мўминов менга шундай деди: «Хамидулла, тарихий шахсларнинг фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, ишни Амир Темурдан бошласак яхши бўларди. Сиз ўрта аср даври мутахассислари билан суҳбатлашиб, бу масалани хал қилиб, менга маълум қилинг».

Аммо, аввало мутахассис олимлар ўзи бармок билан санарли эди, иккинчидан, борлари ҳам миллатчиликда кораланишидан қўриқиб, бу ишдан бош тортди. Шундан кейин, Иброҳим Мўминовнинг ўзи Амир Темур хақида иш ёзишга киришиб, уни ишончли хужжатлар асосида «оклади». Бу ўша давр учун катта жасорат намунаси эди, лекин олим ҳақиқатни ёзганлиги учун қурбон бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мана, ўша вақтдан буён чорак аср ўтдики, тарихий шахслар фаолиятини ҳаққоний равишда баён этувчи ишни ёзишга ҳеч ким журъат этмади.

Мустиқлик йиллари бу муҳим масала ҳусусида олдиндан белгилаб қўйилган назария асосида эмас, балки манбаларни ҳолис ўргангандан кейин ҳулоса чиқарилмоқда.

Шунингдек, коммунистик партиянинг «идеаллаштириш», «реакцион», «клерикал-феодал», «сарой тарихчиси», «сарой шоири» ёки «сарой адабиёти» деган кораловчи ибораларини улоқтириб ташлаб, покланиш шу куннинг талабидир.

Ҳозирда бу иллатлардан холи бўлиш йўлига ўтилган бўлса-да, лекин хали қилинадиган ишлар жуда қўп.

Собик совет тарихшунослигининг энг йирик сохталаштиришларидан бири, ислом динини тараккиётнинг ва умуман, инсоният ҳаётининг душмани сифатида талқин қилинишидан иборатдир. Хатто дин эскилик, жаҳолат ва нодонликнинг уяси, деб кораланди.

Собик совет даврида динга зарба берилиши маънавий ҳаётнинг кашшоқланишига олиб келди. Нихоят, орзиқиб қутилган кунлар келиб, диннинг раванг топиши учун кенг йўл очилди. Бирок бир неча ўн йиллар мобайнида «динсиз» жамиятда суяги қотган одамлар онгига ислом асосларини сингдириш осон иш эмас. Шунинг учун ҳам динга қўр-қўрона эргашиб, мутаассибликка берилувчи кишилар топилади. Ҳозирги вақтда жаҳолат асосан конституция, парламент ва демократия тартиблари ҳукм сураётган шароитда динни «сиёсий қурол»га айлантириш гайритабиий ҳолдир. Шу боис, тарихий ва диний асарларда ислом динининг асл моҳияти ва йўналишини моҳирона ёритиб, кенг қўламда тарғиб қилиш лозим, деб ўйлайман. Шундагина барча мусулмон фарзандларида динга онгли равишда ёндошиш ва том маънодаги эътиқод шаклланади. Бу билан мен диндорлар орасида соф эътиқодли кишилар йўқ, демокчи эмасман. Шубҳасиз, улар оз эмас. Лекин шариат асосларини яхши ўзлаштирмаган одамлар анча-мунчани ташкил этади.

Маълумки, ўтмиш замонларда ота-боболаримиз ислом динининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Эндиликда тарихий анъаналарни тиклаб, араб, форс ва туркий тиллардаги манбалар заминидан илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириб, Ўзбекистонни исломшунослик фанининг марказларидан бирига айлантиришнинг вақти келди. Ислом дини тарихига тааллуқли яна бир масалага диққатни жалб қилмоқчиман. Совет даврида тарихчилар, шу жумладан, мен ҳам, Муканна бошчилигидаги кўзголонни озодлик ҳаракати сифатида ижобий таърифлаган эдик. Хатто, иккинчи жаҳон уруши вақтида Муканна озодликнинг рамзи сифатида сахналаштирилган. Аслида эса, кўзголон бошқача йўналишда борган. Маълумки, еттинчи асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда

ислом дини хали чукур илдиз отмаган, зардўшт (оташпарастлик) динининг таъсири кўпорилмаган эди. Хатто, ислом динини қабул қилган кишилар орасида иккиланувчиларнинг сони оз бўлмаган. Бунинг устига, араб халифалигининг ҳукмронлиги ахволни оғирлаштирди. Шундай шароитда, Муканна деган шахс халқнинг норозилигидан фойдаланмокчи бўлиб, ўзининг гоёлари билан сиёсий майдонда пайдо бўлди. Машҳур тарихчи Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида кўрсатилишича, Муканна (Хошим Ибн Ҳаким) одамларни йиғиб: «Мен сизнинг ва бутун оламнинг худосиман, мен халққа ўзимни Одам (Ато) суратида, кейин Нух суратида, кейин Иброҳим суратида, кейин Мусо суратида, кейин Исо суратида, кейин Муҳаммад Мустафо суратида кўрсатган зотман, энди мана ўзингиз кўриб турган суратдаман», деган. Муканна ислом динини мутлақо инкор қилиб, ҳар бир вилоятга қуйидаги мазмунда нома ёзиб тарқатди: «Раҳимли ва меҳрибон Тангри номи билан саййидлар саййиди Хошим Ибн Ҳакимдан фалончи ўғли фалончига ҳамда худога бўлсин, ундан бошқа худо йўқ. У Одамнинг, Нух, Иброҳим, Исо, Муҳаммад ва Абумуслимлариинг худосидир. Сўнгра (сўз шуки) қудрат эгалик, иззат ва ҳужжат Муканнаникидир. Менга имон келтиринг ва билинги, подшоҳлик менга ҳос, азизлик ва ҳудулик меники ва мендан бошқа худо йўқ, қимқи менга имон келтирса, жаннат ўшаники, қимқи менга имои келтирмаса, дўзах уники».

Мазкур сатрлардан кўримиб турибдики, Муканна ўз диний гоёлариини сиёсийлаштириб, подшоҳлик тахтига даъвогар бўлган. Наршахийнинг кўрсатишича, Муканна жодугарлик, кўзбўямачилик ва айёрликнинг пири ҳисобланиб, минглаб кишиларнинг бошини айлантирган. 776—785 йиллар мобайнида давом этган Муканна кўзғолони вақтида минглаб кишилар ўлдирилди ва кўп жойлар вайрон қилинди. Шунингдек, кўзғолончилар томонидан кўп мусулмонлар қириб ташланди. Бундан ташқари, фожеа шундаки, Муканна гоёларининг заминида мулкка ва хотинларга умумий эгалик қилиш ҳаракати ётган. Бу тарих гилдирагини орқага суриш эди, ҳолос. Шуларга қарамай, ислом динининг асл моҳиятини ва аҳамиятини хали яхши англамаган кишилар Муканнага эргашиб, ҳонавайронликка мубтало бўлди. Ҳуллас, кўзғолонни озодлик ҳаракати сифатида эмас, балки ислом дини билан Муканнанинг гайритабиий диний гоёлари ўртасидаги қураш, деб баҳоланса ҳақиқат тўлиқ ақс эттирилади.

Шуни ачинарлики, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин, Маҳмуд Торобий ва Сарбадорлар бошчилигидаги ҳал эл босқинчиларига қарши олиб қорилган умумхалқ қурашларининг тарихини ёзишга қўл урилмади. Натижада, она юртимиз мустақиллиги учун жонини фидо қилган кўп минглаб кишиларнинг кадр-қиммати ўрнига қўйилмади. Бу ҳолат тарих фанидаги қатта нуқсондир. Фақат сўнгги йилларда тарихий ҳақиқат тикланди: ўнлаб ҳаққоний асарлар яратилди.

Биз ўзбек халқининг жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлиги ҳақида кўп гапирамиз, лекин фан ва маданиятнинг юзага қилиши ва ривожланиш босқичларини қамраб олган яхлит асар яратилмади.

Ҳозирда, мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари изчиллик билан ривожланмокда. Шундай вазиятда уларнинг тарихий илдизлариини билиш фойдадан ҳоли эмас. Ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам халқаро алоқалар ҳар бир мамлакат тарихининг тарқибий қисми ҳисобланиб, уларсиз тарих ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Эрон, Туркия, Хитой, Хиндистон ва Араб мамлакатлари билан кўп асрлик сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини чуқур ўрганиб, йирик

Иккинчидан, подшо Россияси хукмронлиги давридаги Ўзбекистон тарихини ҳам қайта ўрганиш лозим.

Коммунистик партия хокимиятни қўлга олгандан кейин ҳам чоризмнинг мамлакатдаги таъсирини кўпориб ташлаш учун унинг ёвузлиги ва зулмини фош қилувчи ва унга қарши кўтарилган миллий-озодлик курашларини тарғиб этишни рағбатлантирди. Натижада, 20-30-йиллардаёқ кўрсатилган масалаларга доир илмий асарлар ва мақолалар чоп этилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин чоризмни қоралашга эҳтиёж қолмаганлиги ҳамда партиянинг шовинистик сиёсатининг қучайиши оқсида аҳвол ўзгариб борди. Чунончи, асримизнинг 50-йилларидан бошлаб илмий ишларда «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг объектив-прогрессив аҳамиятини кўрсатиш» асосий ўринни эгаллади. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши, мустанлақчилик ва миллий зулм каби масалалар гарчанд инкор этилмаган бўлса-да, аммо умум тарзда қисқа баён этиб борилди. Шунингдек, қор ҳукуматининг қарбий қуришлари «қўшиб олиш» қарлавласи остида қарқланди. Масалан, «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг биринчи нашрида (1947 йил) қарбий қуришлар «урушиб олиниши» қарлавласи остида қитилган бўлса, иккинчи, учинчи нашрларида (1957, 1967) у «қўшиб олиниш» номи билан алмаштирилди. Худди шу номда мақкур масала менинг «Тошқентнинг Россияга қўшиб олиниши» (1967) ва Н. Халфиннинг «Присоединение Средней Азии к России» (1965) қитобларида ёритилди. Тўғри, айрим муаллифлар қўё туб ақоли феодал зулмдан қутулиш учун Россияга умид боқлаганлиги ёқи етарли даражада қаршилиқ кўрсатишни истамаганлиги ҳақидаги ўз фикрларини ўртага ташладилар. Лекин бу каби тутуриқсиз фикрлар ўз-ўзидан қолиб қетди. Ўша даврларда назорат шу даражада қаттиқ эдики, «қўшиб олиниши» ёзилиб Россиянинг босқинчилиқ, ёвузлик сиёсати «ниқобланмаса», босиб олинишини далолат берувчи фактларни, ҳужжатларни ўзида жо этган асарни қор этиб, жамоатчилиққа етказишга умид қилмаса ҳам бўларди.

Тарих асарларида ўзбек халкининг 1905—1907 йиллар ва кейинги инқилобий ҳаракатларда иштироки хусусида фикрлар ишончли далиллар билан исботланмаган. Амалда туб аҳоли инқилобий гоялардан жуда йирок бўлган. Уларнинг орасида ишчилар синфи хали ташкил топмай, саноат корхоналарида ишловчилар мавсумий ишчилар ҳисобланиб, асосан, улгуржи ва қора ишларни бажарганлар. Улар бир корхонада бир йил ишлаб, кейинги йили бошқа дуч келган ерда ишлаб юраверганлар. Шу боисдан ҳам Туркистон ўлкасида ишчилар асосан руслардан ташкил топган эди.

Шуни назарда тутиш керакки, чор хукмронлиги даврида гарчанд саноат ва дехкончиликда ўзгаришлар сезилган бўлса-да, лекин уларнинг хузурини туб аҳоли эмас, чор ҳукумати ва капиталистлари кўрган.

Фан ва маданият соҳасидаги силжишларга келсак, айтиб ўтиш лозимки, улардан, асосан, рус аҳолиси бахраманд бўлди. Чор ҳукумати туб аҳолини кириб келаётган Оврупо маданиятига яқинлаштириш у ёқда турсин, мавжуд миллий маданият илдизига болта урди. Тўғри, оврупоча маданият ўзбеклар ҳаётида баъзи бир ижобий ўзгаришларга олиб келди. Бирок, умумхалк сонига таккосланса кўлами жуда тор ва нафи жуда оздир. Шунинг учун мазкур давр тарихини «Ўзбекистон ва умуман, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг объектив-прогрессив оқибатлари» нуктаи назаридан ўрганишга барҳам; бериб, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмини ёритиш биринчи вазифадир. Шунингдек, Туркистон ўлкасининг Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр

махсулотлар бозорига айлантирилиши масаласи бўйича йирик асарлар ёзиш вақти келди. Чунки, бу масалалар XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларидаги Ўзбекистон тарихининг ўзагини ташкил қилади. Кези келганда шуни эслатиб ўтиш лозимки, мен бу давр тарихини ўз ичига олган бўлимга 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида бошчилик қилдим. Шунинг учун ҳам бу даврда йўл қўйилган хатоларга баб-баробар дахлдорман. Шу ўринда айтиб ўтишим лозимки, Ўрта Осиёнинг подшо Россияси томонидан босиб олиниши, миллий-озодлик ҳаракатлари, Бухоро ва Хива жаҳидлари фаолиятига доир масалалар бўйича ўша вақтлар-даёқ айрим; тўғри фикрлар олдинга сурилган эди.

Учинчидан, собик совет даври тарихини очикдан-очик сохталаштириш амалга оширилди. Чунончи, давлат тўнтариши ҳисобланган «Октябрь инкилоби» социалистик инкилоб сифатида нотўғри баҳоланди. Шунингдек, «Октябрь инкилоби»да маҳаллий аҳолининг иштироки ҳақидаги фикрлар асоссиздир. Аслида, у руслар ва бошқа овруполиклар томонидан амалга оширилган эди. Чунки туркистонликлар орасида юқорида қайд қилинганидек, ҳали ишчилар синфи юзага келмаган эди. Том маънодаги ишчилар синфининг бўлмаганлигини 60-йиллардаёқ таникли олимлар А. Аъзамхўжаев ва Ш. Уразаевлар ўз асарларида тўғри кўрсатиб ўтган эдилар. Бу амалда «Октябрь инкилоби» учун ўлкада шарт-шароит етилмаганлигини кўрсатишдан иборат эди. Аммо, ҳақиқатни ақс эттирган бу фикр бир гуруҳ кишиларнинг каттик қаршилигига учраб А, Аъзамхўжаев ва Ш. Уразаевлар танқид ўти остига олинди. Ўша кезлари мен Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И. Мўминовга уларни ёқлаш лозимлигини айтганимда, у киши шундай деган эдилар: «Икки олим жуда нозик масалани кўтариб тўғри иш қилибдилар, мунозара қилиниб, газак олдирилса, юқори партия ташкилотлари шугулланиб, уларнинг жабрланиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун сизлар аралашиб оловга кертсин қуйманглар. Вақти келиб А. Аъзамхўжаев ва Ш. Уразаев фикрларининг ўз-ўзидан тан олиншига ишонаман». Дарҳақиқат, ҳозирда бу фикрни қўлламайдиганлар топилмаса керак.

Хуллас, тарихчи олимларнинг «Октябрь инкилоби»нинг моҳиятини ҳолисона ўрганишларининг аҳамияти бекиёс қаттадир. Бу бутун совет даври тарихининг ҳақиқий манзарасини ёритишда қалит ҳисобланади. Матбуотда жаҳидлар фаолияти, «Кўкон мухторияти», «Босмачилар ҳаракати», «Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши» ва бошқа масалалар бўйича мулоҳазалар билдирилгани учун улар ҳақида бу ерда тўхташ ортиқчадир. Аммо «социализм тузуми»нинг моҳияти ҳусусида тўхтаб ўтишни зарур деб биламан.

Бу сиёсат жаҳиятда ҳусусий мулкчиликни, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни, динни, ҳунармандчиликни, эркин савдо-сотикни қўпориб ташлади. Шунингдек, миллий давлат йўқ қилиниб, миллий тил ва маданият қамситилди. Боз устига, бутун мамлакат «темир қабас» билан ўралиб, республикаимизнинг мустақил равишда халқаро майдонга чиқишига йўл берилмади. Ўзбекистон Россиянинг ҳам ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Бу ерда мисли қўрилмаган мустамлақачилик ва миллий зулм ҳукм сурди. Марказнинг тоталитар сиёсати орқасида бутун мамлакатда миллионлаб бегуноҳ кишилар ўлдирилди ёки умрлари қамқоҳоналарда ва сургунда қириди. Қанчадан-қанча одамлар ҳавф-хатарда юрагини ҳовучлаб яшади.

Кишлоқ хўжалиги, саноат, фан ва маданият, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа

сохаларидаги ривожланишга келганда, шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, улар мустамлакачилик нуктаи назаридан ривожлантирилиб, асосан, совет империясининг кудратини мустахкамлашга хизмат килди. Шу боис, ўзбек халкининг асосий кисми моддий ва маънавий кашшокликда хаёт кечирди. Хозирда кўриб турибмизки, собик совет давридаги ўз турмушидан мамнун бўлган айрим нуфузли табакаларнинг турмуши капиталистик мамлакатларда яшаётган оддий бир ишчи ёки хизматчиникидан жуда хам; паст даражада экан.

Партия одамларнинг миясини «социализм гоялари» билан шу даражада чулгаб ташладики, «совет турмуш тарзи»га сажда килиш одат тусига айланди. Тарихчилар ва бошка ижтимоий фан вакиллари уни кишилик хаётининг фаровонлигини таъминловчи бирдан-бир афзал тузум сифатида мактадилар. Хозирда «собик совет, турмуш тарзи»нинг фожиали окибатининг азоби чекилмокда.

Юкорида кўрсатилган собик совет даври тарихининг хакикий манзарасини тасвирловчи фикрлар асосида илмий асарлар яратиш лозим, деб хисоблайман.

Шу кунларгача Иккинчи жахон урушининг тарихи бир томонлама баён этилмокда. Шубхасиз, ўзбек халки фашизмни тор-мор этишга муносиб хисса кўшди. Бирок коммунистик партиянинг айби билан минглаб ўзбеклар халок бўлдилар. Маълумки, собик совет давлатининг дастлабки даврларида ўзбек харбий кисмлари тузилган эди, лекин улар кейин йўк килинди. Агар улар урушгача сакланганда эди, ўзбекларнинг харбий махорати такомиллашиб, талафот кўп бўлмас эди. Тўгри, кеч бўлса-да, урушнинг бошларида ўзбек харбий кисмлари шошилиш равишда тузилди. Аммо, улар фронтда таркатиб юборилди. Шу равишда бизда миллий давлат хам, миллий кўшин хам йўк эди. Бунинг аянчли окибатлари уруш даврида минглаб кишиларнинг кирилиб кетишига олиб келди. Чунончи, умрида кўлига курол ушламаган ва бегона жойларга бормаган ёшлар тўсатдан сафарбар килиниб, Россиянинг турли жойларига юборилди. Уларнинг орасида мен ва севимли шоиримиз мархум Зоҳиджон Обидов хам бор эди. Биз ўрмонда икки ойча уй кийимимизда ва ёгочдан ясалган милтик билан машк килгандан сўнг тўгри фронтга жўнатилдик. Бу ерда, айникса кишлок йигитларига жуда огир бўлди. Харбий машкни яхши ўзлаштирмаганлиги ва жанговарликнинг сустиги оркасида кўп одамлар кирилиб кетди.

Кўп минглаб ёши катта ўзбеклар хам киргиндан четда колмадилар. Улардан ишчи батальонлари ташкил килиниб, Сибирь ва Россиянинг бошка жойларидаги санбат корхоналарида ва конларда ишлатилди. Бу ерда уларнинг талай кисми очликдан, совукдан, огир меҳнат ва хўрликдан ўлиб кетдилар. Сибирда госпиталда ётганимда уларнинг йиртик-ямок кийимларда, шишиб кетган холда тиланчилик килиб юрганларининг гувоҳи бўлганман.

Шунингдек, партиянинг миллий сиёсатидан норозилик, Кизил Армиядаги мусулмон фарзандларига совук муносабат ва бошка сабаблар оркасида 1 миллион 600 минг туркистонликлар немислар томонидан асирликка олинди. Начора, бир маколада Ватанимиз тарихига доир масалаларнинг хаммасини камраб олишнинг иложи йўк, лекин бу ерда яна бир масалага эътиборни жалб килмокчиман, холос.

Коммунистик партия сиёсатининг магзини чакаётганда унинг халкни кўркувда, хавотирликда, мухтожликда ва умид исканжасида каттик ушлаганлигини назарда тутиш керак. Бу ерда умид тушунчасида фукараларнинг сиёсий ва иктисодий жихатдан

тамомила давлатга карам бўлиши оркасида бир нарсa илинжида (арзимаган бир) ойлик мукофотдан тортиб то катта-кичик мансабгача) партияга хамиша кўзини мўлтиллаиб ва кўлини тутиб туришга мажбур бўлганлигини англаш мумкин. Бу ҳолат партияга фукароларни хоҳлаган макомига солишга кенг имкониятларни тугдирди.

Умуман олганда, факат бахс воситасидагина фанни ривожлантириш мумкин. Шу кунларда тарих соҳасидаги хатоликлар борган сари «сув юзи»га кўпрок калкиб чикмокда. Унутмаслик лозимки, тарих ҳам жараён, ҳам бутун бир фан сифатида азалдан кишиларда миллий туйғу, ватанпарварлик, фахр на гурур каби олий фазилатларнинг шаклланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб келган. Буни яхши англаган коммунистик партия ўзининг мустанлакачилик сиёсати ва миллий зулмини муҳофаза қилиш мақсадида бир неча минг йиллик ва бой ўтмиш тарихимизни хибсда тутди. Ўз навбатида бу маънавий жихатдан кашшокланишга олиб келди.

Мустиқиллик даври тарихимизни янгилади, ҳаққониятни тиклади.

Ҳамид Зиёевнинг "Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгусида" китобидан